



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ

Якубов Шохрух Акмалжон ўғли

Тошкент давлат иқтисодий университет

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасалари молиясининг ижтимоий иқтисодий мазмуни, моҳияти, таркиби, талқини ва уни бошқаришнинг замонавий тенденциялари ёритилган. Олий таълим муассасаларида барқарор молиявий муносабатларни юзага келтирадиган молиявий механизмини шакллантириш хусусиятларини ва унинг асосий таркибий қисмларини университетларни трансформация жараёни билан боғлиқ ҳолда ҳар томонлама тадқиқ қилинган. Шунингдек, олий таълим муассасаларини молиясини бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: олий таълим тизими, олий таълим хизматлари бозори, олий таълим молияси, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, молиявий ресурслар, эндаумент фонд.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ФИНАНСОВ ВУЗОВ

Якубов Шохрух Акмалжон угли

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассмотрены социально-экономическое содержание, сущность, структура, трактовка и современные тенденции финансов высших учебных заведений. В связи с процессом трансформации университетов всесторонне исследованы особенности формирования финансового механизма и его основные компоненты, создающего устойчивые финансовые отношения в высших учебных заведениях. Также даются предложения и рекомендации по управлению финансами высших учебных заведений.

Ключевые слова: система высшего образования, рынок услуг высшего образования, финансирование высшего образования, бюджетные и внебюджетные фонды, финансовые ресурсы, фонд целевого капитала.

SOCIO-ECONOMIC CONTENT OF UNIVERSITY FINANCES

Yakubov Shoxrux Akmaljon ugli

Tashkent State University of Economics

Abstrakt. The article examines the socio-economic content, essence, structure, interpretation and modern trends in the finances of higher educational institutions. In connection with the process of transformation of universities, the features of the formation of a financial mechanism and its main components that create sustainable financial relations in higher educational institutions have been comprehensively studied. Suggestions and recommendations for financial management of higher education institutions are also given.

Key words: higher education system, higher education services market, financing of higher education, budgetary and extra-budgetary funds, financial resources, endowment fund.

Кириш.

Жаҳон олий таълим хизматлари бозори ҳажми 2023-йилда 24,2 миллиард АҚШ долларига етди. IMARC Group компаниясининг прогнозларига кўра олий таълим хизматлари бозорининг глобал ҳажми 2032 йилга қадар 101,5 миллиард АҚШ долларига етиши²²⁵ ва 2024-2032 йиллар давомида 17,27% ўсиш суръатини (CAGR) кутилаётганлигини таъкидламоқда.

Замонавий олий таълим муассасалари жамиятдаги ижтимоий миссиясига нисбатан, юқори технологияли лойиҳаларни яратувчи, ҳудудлар инновацион тараққиётининг асосий кластерларини ташкил қилувчи инновацион ХАБ сифатида ривожланиб боришини таъминлади. Ушбу ҳолат нафақат, замонавий олий таълим муассасалари фаолиятидаги балки, улар молияси тизимидаги трансформацион жараёнларда ҳам кузатилди. Хусусан, молиялаштириш манбалари таркибида илмий-инновацион фаолиятдан тушумлар ҳажмининг ўсиб бориши академик ва илмий-инновацион фаолият соҳасидаги мустақкам рақобат позицияси асосий молиявий омилларидан бири сифатида ҳисоблана бошлади.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ҳамда улар инвестициявий жозибдорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини (Фармон, 2019) таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу устувор вазифалар академик ва илмий тадқиқот фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичига ўтишини ва улар молия механизмини трансформациялашувини тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли шакллари ва фаолиятнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар молияси уларда такрор ишлаб чиқариш жараёни эҳтиёжлари учун мақсадли фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Gadoev, Kurbonov (2006) таъкидлашича, меъёрдаги фаолият ва уни истиқболда янада ривожлантириш учун зарурий ресурслар таркибида молиявий ресурслар муҳим аҳамият касб этиб, ушбу ресурсларни шакллантиришда икки асосий жиҳатни кўришимиз мумкин. Бу биринчидан, ички молиявий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш натижасида фойда ва бошқа манбалар ҳисобига хусусий маблағлар манбаларини шакллантириш ва уни изчил ошириб бориш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади. Иккинчидан, операцион фаолиятни нормал даражада ташкил қилиш учун зарурий молиявий эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида капитал бозоридан маблағларни жалб қилиш ҳисобланади. Ушбу жараён тижорат асосида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида молиялаштиришнинг кенг спектрда ривожланиб бораётган усулларида бири ҳисобланади.

Маликов, Ҳайдаров (2007) фикрича операцион фаолият самарадорлиги потенциал шакллантирилган капитал ҳисобига активларга авансланадиган капитални таркиби ва тузилмасини оптимал бошқариш орқали эришилади. Бу бир қарашда активлар таркибини узоқ муддатли ва жорий активлар сифатида шаклланиш жараёнини ўзида мужассамлаштиради. Самарали такрор ишлаб чиқариш жараёни натижасида яратилган молиявий натижаларни оптимал бошқариш орқали рентабелли кўрсаткичларни ошириш имкониятларига эга бўлинади.

²²⁵ Higher Education Market Report // <https://www.imarcgroup.com/higher-education-market>

Хорижий иқтисодчи Marsh (2004) фикрича, олий таълим муассасалари жамият таълим тизимининг институтционал бирликларини ўзида мужассамлаштириб, жамиятнинг ижтимоий инфратузилмасини таркибига киритилади. Гарчи яхлит таълим тизимида Олий таълим муассасалари ўрта бўғин элементни ўзида мужассамлаштирсанда, уларнинг жамиятдаги роли иқтисодиётда яратилган қўшилган қийматни маълум бир қисмини қайта тақсимлаш воситасида уларнинг ихтиёридаги даромадларининг шаклланиши асосини ташкил қилади. Чунки, жамият учун самарали кадрлар тайёрлаш орқали таълим хизматларини тижоратлаштириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун хизмат қилувчи илмий инновацион ишланмаларни такрор ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш натижасида университетлар зарурий даромадларни шакллантириш имкониятларига эга бўлади.

Россиялик иқтисодчилар Майорова, Майданлар (2013) олий таълим муассасалари молиясининг негизини уларнинг жамиятдаги ролига боғлаб таъкидлайдиларки, таълим тизими, биринчи навбатда, олий таълим давлат тараққиётининг асосий индикатори ва катализатори бўлиб, ҳар қандай давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишини ўзида мужассамлаштиришини ва ушбу миссиянинг самарали ижроси улар молиявий барқарор фаолиятининг асосини ташкил қилишини таъкидлайдилар.

Университетларнинг молиявий ривожланиши жамиятнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, иккинчи томондан жамиятдаги турмуш фаровонлиги ва илмий техник тараққиёт натижасидаги барқарор ривожланиш учун шарт шароит яратади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, барча университетлар асосан давлат ва хусусий шаклда бўлиб, уларнинг ихтисослашуви 2 йўналишни ўз ичига олади. Булар: академик фаолиятга асосланган университетлар; илмий-тадқиқот фаолиятига ихтисослашган университетлар (Неборский, 2017). Ушбу фаолият контурида ривожланиш йўналишига қараб университетларнинг даромадлари ҳам шаклланиш хусусиятларига эга бўлади. Замонавий шароитларда рақобат позицияси мустаҳкам бўлган университетлар даромадларининг таркибида таълим хизматларини тижоратлаштириш эмас балки, илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришдан олинган даромадларнинг ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Олий таълим юксак ижтимоий мақомга эга бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, социал-маданий ва маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал этишдаги роли миллий хусусиятлар ва анъаналарни асраб-авайлаш, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига изчил таъсир кўрсатади.

Бу борада иқтисодчи Маҳмудов (2019) олий таълим муассасалари инвестицион жозибadorлиги уларнинг фаолият спектри ва шунингдек, хизматлар сифатига боғлиқлигини таъкидлаб ўтади.

Россиялик олимлар Клишина, Глотова, Углицких, Томилиналар (2015) таъкидлашича, бюджетдан молиялаштирилган давлат олий таълим муассасалари асосан нотижорат ташкилотлари мақомига эга бўлиб уларнинг бош мақсадида фойда олиш ҳисобланмайди. Умуман, нотижорат ташкилотларнинг молияси - нотижорат ташкилотнинг уставида назарда тутилган фаолият мақсадларига эришиш учун ташкилотларнинг марказлаштирилган ва марказлашмаган пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ўзида мужассамлаштиради.


Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида тизимли ва статистик таҳлил, кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш, илмий башоратлаш ва мантиқий ёндашув усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Олий таълим муассасалари иқтисодиётнинг ўзига хос табиати унга жамиятнинг ижтимоий институти ва тадбиркорлик субъект сифатида инвестиция киритиш бу инсон капиталига инвестиция киритишни ҳам ифодалайди. Чунки университетлар иқтисодиётнинг меҳнат бозоридаги талабидан келиб чиқиб ёш авлодни адекват мутахассис кадр сифатида шакллантиради. Натижада, аҳоли ижтимоий қатламининг саводхонлик даражасини ошириш, самарали кадрлар тайёрлаш орқали бандликни таъминлаш, юқори малакали кадрлар ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш ва пировардида аҳоли барқарор даромадларини шакллантиришга шарт шароит яратади.

Умумий тарзда барча хўжалик юритувчи субъектлар каби олий таълим муассасалари молиясини самарали ташкил қилишда ўзаро уйғунлашган уч асосий масалаларни ўзида мужассамлаштиради. Буни қуйидаги расмдан кўриш мумкин.



1-расм. Олий таълим муассасалар молиясини ташкил қилишдаги муносабатлар йўналишлари²²⁶

1-расмдан кўришимиз мумкинки, олий таълим муассасалари молиясини ташкил қилишда молиявий ресурсларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини шакллантиришда уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолият спектри муҳим аҳамият касб этади. Зотан, олий таълим муассасалари бюджет муассасаси сифатида бюджетдан молиялаштириш тамойилига асосланса-да, 1999 йилги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ хизматларни тақдим қилиш орқали бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишга ҳуқуқий имконият яратилди (Қарор, 1999). Ушбу қарорга мувофиқ бюджет ташкилотларига бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш ҳуқуқи берилиб ушбу жамғарма маблағлари қуйидаги расмда ифодаланган манбалар ҳисобига шакллантиришга имконият яратилди.

2-расмдан кўришимиз мумкинки, шакллантириладиган ривожлантириш жамғармаси асосан ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағларга тўғри келиб, лекин 3-гуруҳ харажатлари бўйича капитал қўйилmalarини молиялаштириш назарда тутилган молиявий ресурслар ушбу жамғарма маблағлари сифатида фойдаланилмайди. Чунки ушбу маблағлар асосан моддий техник базани ривожлантириш учун бюджетдан ажратилган маблағ бўлиб, жорий эҳтиёжлар учун ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Демак, штат-смета интизомига риоя қилиш ва тежалган маблағлар ушбу манбада назарда тутилмоқда.

Навбатдаги ривожлантириш жамғармаси манбаи фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар ҳисобига шакллантирилиши назарда тутилган.

²²⁶ Расм интернет расмий сайтлари манбалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



2-расм. Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш манбалари²²⁷


Давлат олий таълим муассасалари ривожлантириш жамғармасининг навбатдаги манбаи бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар ҳисобланиб, ушбу даромадлар университетлар мулкчилигининг тегишли давлат ҳокимияти органларига мансублигига қараб 50/50 нисбатда тақсимланади.

Ҳомийликдан олинган маблағлар ёки эндаумент фондлари фаолиятини ривожлантириш давлат олий таълим муассасалари ва шунингдек, хусусий олий таълим муассасалари даромадларининг истиқболли манбалари ҳисобланиши мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда университетлар жамиятда ўзига хос равишдаги барқарор академик репутацияга эга бўлиши даркор.

Олий таълим муассасалари молияси шакллантирилган даромадларни тақсимлаш ва активларга инвестициялаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасалари ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфланиш йўналишлари куйидагилардан иборатдир:

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлаш харажатларини молиялаштириш. Бу ўз навбатида ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларида ижтимоий ҳимоянинг кафолатли манбаини шакллантирилишини назарда тутати. Қолаверса ривожлантириш жамғармаси ҳисобига мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга сарфланиши эса университетлар молиявий барқарорлигини молиявий захираси сифатидаги аҳамиятини англатади.

²²⁷ ЎзР ВМ №414 сон қарори бандлари асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилган.



3-расм. Олий таълим муассасалари ривожлантириш жамғармаси харажатлари йўналишлари²²⁸

Ривожлантириш жамғармаси олдига олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустақкамлаш харажатларини молиялаштириш вазифасининг ўрнатилиши, олий таълим муассасалари инфратузилмасини яхшилашда ушбу жамғарманинг аҳамиятини кейинги йилларда ортиб боришига туртки бўлган. Натижада, ҳар бир университетнинг таълим хизматларини тижоратлаштириш фаоллиги уларнинг моддий техник базасини мустақкамлашга бевосита таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг навбатдаги йўналиши ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланишининг белгиланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқланиши ва унда Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қатор вазифалар белгиланди (Фармон, 2019). Ушбу вазифалар олий таълим муассасаларининг академик ва илмий-тадқиқот фаолиятини уйғунлаштириш ва уларни янада сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш орқали молиявий барқарор ривожланишига шарт шароит яратмоқда.

Олий таълим муассасалари молиясининг ўзига хос жиҳатларидан бири уларнинг молиявий ресурслари манбаи ҳам миллий даромад ҳисобланиб, маълум даражада миллий бойликнинг бир қисмини қайта тақсимлаш воситасида ҳам даромадлари шаклланади.

Олий таълим муассасалари молияси яна бир хусусиятли жиҳати унда давлат субсиядиялари шаклидаги марказлаштирилган молиявий ресурслар фондиди шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида – давлат буюртмасини амалга ошириш боғлиқ муносабатларни ҳам қамраб олишидадир.

Олий таълим муассасалари молиявий бошқарув объекти сифатида бир қатор иқтисодий субъектлар билан муносабатларда бўлади. Масалан, ички молиявий муносабатлар сифатида административ ходимлар, профессор ўқитувчилар билан молиявий муносабатлар кўришимиз мумкин. Ушбу муносабатларда иш ҳақи категорияси марказий ўринни эгаллайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори иловасига мувофиқ Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш тартибида Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда харажатларини молиялаштиради (тўлайди) (Қарор, 1999).

²²⁸ ЎЗР ВМ №414 сон қарори бандлари асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилган.



4-расм. Олий таълим муассасаларида молиявий муносабатларнинг таснифланиши²²⁹

Бунда II харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланиши белгиланган. Демак, иш ҳақини ҳисоблаш ва уни тўлаш жараёнида биринчи навбатда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни амалга ошириш интизомига риоя қилишнинг ҳуқуқий мақоми келтирилган. Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек бюджет тизими бюджетларининг даражалари бўйича тегишли ғазна ҳисоб варағида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдоридан учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилиши белгиланган.

Фан, таълим ва инновациялар вазирлиги билан молиявий муносабатлар асосан уларнинг юқори турувчи ташкилот, вазирлик идора сифатида молиявий бошқарув субъекти ёки бюджет маблағларини бирламчи тақсимловчи субъект сифатидаги роли майдонга чиқади.

Давлат ва хусусий олий таълим муассасалари ўз фаолияти мобайнида молия тизими институтлари билан ўзаро молиявий муносабатда бўлади. Хусусан, улар ҳисобланган иш ҳақи ва кўрсатилган хизматлар юзасидан бюджетга солиқ тўловчилар ҳисобланади ёки солиқ агенти вазифасини бажаради.

Махсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамдаги маблағларини депозитга жойлаши ёки вақтинчалик кассавий узилишлар ва ликвидликнинг заиф позицияларида банклар билан кредит муносабатларида қатнашишлари мумкин. Ушбу жараён ҳозирги кунда ривожланиб бораётган хусусий олий таълим муассасаларида капитални шакллантириш жараёнида устувор аҳамият касб этувчи молиявий муносабатларни ўзида мужассамлаштиради.

Замонавий шароитларда Ўзбекистон олий таълим муассасалари икки йўналишда ривожланиб бормоқда. Хусусан, бюджетдан молиялаштирилган давлат олий таълим муассасалари ва хусусий олий таълим муассасалари томонидан олий таълим тақдим этилиб, улар ўртасида олий таълим хизматлари бозорида эркин рақобат муҳити шакллантирилмоқда.

²²⁹ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

Нотижорат асосида фаолият юритувчи бюджет муассасалари молиявий муносабатларининг мазмуни улар ташкил этилган ташкилий-ҳуқуқий шакл, хизматлар кўрсатиш тавсифига боғлиқ бўлиб, бу уларнинг молиявий ресурсларини шакллантириш хусусиятларига таъсир этади.

Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасалари ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра нотижорат ёки бюджет муассасаси мақомининг идеал шаклини ўзида мужассамлаштирмайди. Чунки улар: биринчидан, ҳар иккала ташкилий-ҳуқуқий мақомнинг молиявий элементларини ўзида мужассамлаштирган ва улар хизматларни тижорат асосида сотиш ҳуқуқига эга; иккинчидан, улар молиявий ресурсларининг шаклланишида бюджет ассигнованияларининг улуши кескин пасайиб бормоқда. Бунга сабаб, кейинги йилларда хизматларни эркин бозор механизми асосида сотиш имкониятга эга бўлган ижтимоий инфратузилма муассасалари фаолиятини либераллаштириш ва уларга тўлиқ молиявий мустақилликни бериш билан боғлиқ ислохотлар ҳисобланади.



5-расм. Давлат олий таълим муассасалари молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари²³⁰

5-расмга мувофиқ давлат олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини шаклланишининг 3 асосий манбаини тизимлаштириш мумкин. Демак, асосий фаолият натижасида шаклланидиган молиявий ресурслар даромад (X₁) категориясига киритилиб, молиявий ресурсларни шакллантиришнинг анъанавий шаклларида бири

²³⁰ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

кадрлар тайёрлашга давлат буюртмалари негизидаги бюджет ассигнованияларини қўришимиз мумкин. Бюджет ассигнованиялари шаклидаги молиявий ресурслар жорий ва моддий техник базани мустаҳкамлаш йўналишлари бўйича ажратилиб, ушбу маблағларни сарфлаш бўйича асосий молиявий режа сметага мувофиқ режалаштирилади. Бюджет ассигнованияларининг молиявий манбаи давлат молиявий ресурслари ҳисобланиб, ҳар қайси давлат ҳокимияти органларига тегишлилиги бўйича бюджет тизими бюджетлари томонидан молиялаштирилади.

Таълим хизматлари учун тўлов контрактлар бўйича даромадлар махсус ҳисоб рақам бўйича жалб қилинадиган молиявий ресурслар ҳисобланиб, ушбу ресурслар ҳозирги шароитда ҳар бир олий таълим муассасаси молиявий ресурсларининг асосий салмоғини ташкил қилади ва истиқболда динамик равишда ўсиб бораётган манбалардан бири ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишлари ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришдан даромадлар ҳам олий таълим муассасалари асосий фаолиятининг яна бир йўналиши ҳисобланиб, хўжалик шартномалари асосидаги реал интеграцион алоқалар бўйича корхоналар ажратмалари, фундаментал ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари учун грантлар, пуллик хизматлар кўрсатишдан тушумлар ушбу туркум даромадларга киритилади.

Молиявий ресурсларни шакллантиришнинг иккинчи манбаи тушумлар (X_2) категориясига кирувчи манбалар ҳисобланиб, унинг асосий шаклларида бири асосий воситалар, бино иншоотларни ижарага бериш, университет кампусларидаги инфратузилмалар пуллик хизматларидан тушумлар ҳисобланади. Хайрия ва хомийликдан тушумлар, эндаумент фондларидан тушумлар ҳам замонавий университетлар даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Умуман “Тушумлар” (X_2) молиявий ресурслари шаклланиш манбаларини «Даромад» (X_2) категориясидаги молиявий ресурслар манбаларидан фарқли жиҳати уларнинг асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаслиги ва узлуксиз равишда шаклланиш хусусиятининг мавжуд эмаслиги орқали изоҳлаш мумкин. Ушбу манбалари университетларнинг моддий техник базаси ва инфратузилмаларини ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Олий таълим муассасалари молиявий ресурсларининг навбатдаги манбаи молиявий бозорлардан жалб қилинган манбалар ҳисобланиб ушбу туркум даромадларга банк-молия тизимидан олинадиган кредитлар ёки бюджет кредитларини киритишимиз мумкин. Ушбу манбалар факультатив тавсифга эга бўлиб, айти пайтда асосан ликвидликни бошқариш инструментлари сифатида аксарият университетлар томонидан фойдаланилиши кўзга ташланади.

Ушбу манбаларга асосланган молиявий ресурсларни шаклланиш тизимини декомпозицион таҳлили қуйидаги моделга асосланади.

$$Y = X_1 * \beta_1 + X_2 * \beta_2 + \dots + X_n * \beta_n = \sum X_n * \beta_n \quad (1)$$

Молиявий ресурслар умумий ҳажмидаги ҳар бир манбанинг улуши (β_n) олий таълим муассасалари академик, илмий-тадқиқот ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлигига боғлиқдир.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари фаолиятининг ривожланиш тенденциялари жаҳон андозалари бўйича “Университет 2.0” архитектурасига асосланиб, бу уларнинг миллий ва глобал масштабдаги рақобат позициясини мустаҳкамлашда бир қатор молиявий муаммоларни ҳам юзага келтиради. Биринчидан, аксарият миллий олий таълим муассасаларини даромадлари давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларга кучли боғлиқлик кузатилмоқда. Иккинчидан, олий таълим муассасаларида

даромадларнинг асосий манбаини академик фаолият асосидаги хизматларни тақдим этишга кучли боғлиқлиги истиқболдаги молиявий ривожланиш имкониятларини заифлаштиради. Учинчидан, юқори қўшилган қиймат занжирига асосланган илмий-тадқиқот фаолиятдан тушумлар улушининг паст даражаси ва хизматлар спектрининг чекланган сони фаолиятни янада диверсификациялаш ҳисобига даромадлар тушумини ошириш имкониятларини чекланишига олиб келмоқда.

Замонавий шароитларда молиявий мустақилликка эга олий таълим муассасалари молиясининг ўзига хос хусусияти ўзини-ўзи молиялаштириш тамойилига асосланган ҳолдаги молиявий ресурсларни шакллантириш механизмининг ривожланиб бориши билан изоҳланади.

Академик ва молиявий мустақилликка эга давлат олий таълим муассасалари молияси ва молиявий ресурсларни шакллантириш барқарорлиги улар томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг тизимли равишда ривожлантирилиши билан боғлиқдир.

Олий таълим муассасалари молиявий ресурслари фондининг истиқболли турларидан бири ривожлантириш жамғармаси ҳисобланиб, университетларнинг тадбиркорлик ва ташаббускорлик фаолияти, илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш фаолиятини янада ривожлантириш орқали ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва пировардида, профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришнинг молиявий асосини яратишга шарт шароит яратади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Gadoev E., Kurbonov X. va b. (2006) *Moliya. Oquv qo'llanma*. T.: Adabiyot jamg'armasi.

Maiorova Tatiana Vladimirovna, Maidan Tatiana Nikolaevna. (2013) *Ways of perfection financial mechanism of higher education // Modern Management Technology*. ISSN 2226-9339. — №7 (31). Art. # 3103. Date issued: 08.07.2013. Available at: <https://sovman.ru/article/3103>.

Marsh L. C. (2004) *The econometrics of higher education: editor's view //Journal of Econometrics*. – T. 121. – №. 1-2. – С. 1-18.

Клишина Ю.Е., Глотова И.И.Углицких, О.Н., Томилина Е.П. (2015) *Управление финансами некоммерческих организаций: учебное пособие /– Ставрополь: Литера, – 128 с.*

Қарор (1999) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 03.09.1999 йилдаги №414 сон қарори/ <https://lex.uz/docs/319286>*

Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. (2007) *Бюджет даромадлари ва харажатлари (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент. – 167 б. (261 бет).*

Маҳмудов А.А. (2019) *"Олий таълим муассасарида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштириш" тмавзусидаги 08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит, ихтисослигида ёзилган PhD диссертацияси. Тошкент.*

Неборский Е.В. (2017) *Реконструирование модели университета: переход к формату 4.0 [электронный ресурс]/Е.В. Неборский // Интернет-журнал «Мир науки». -№ 4. Т.5. – URL: <https://mir-nauki.com/PDF/26PDMN417.pdf>*

Фармон (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4545884>*